

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси

ШАРҲ

Ушбу маъруза матнлари халқ таълими тизимида фаолият кўрсатиб, тарих, инсон ва жамият, давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган курс тингловчиларига мўлжалланган бўлиб, давлат талаблари асосида тузилган ва ишчи ўқув режага мувофиқ амалдаги дастур асосида тайёрланган. Маъруза матнларидан умумтаълим мактабларининг тарих, инсон ва жамият, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўқитувчилари, ушбу фанлар бўйича қайта тайёрлов ва малака ошириш курси тингловчилари фойдаланишлари мумкин. Ушбу маъруза матнлари НВПҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедра йиғилишида ўрганиб чиқилган ва институт илмий кенгашига муҳокама учун тавсия этилган. Педагог ходимлар ва тингловчилар учун мўлжалланган ушбу маъруза матнлари НВПҚТМОИ илмий кенгашининг 2006 йил йиғилиш қарори асосида нашр учун тавсия этилди.

Тузувчи: Н.Йўлдашева-НВПҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар: А.Хамидов - НВПҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси

А.Мамажанов - НВПҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси

Мавзу: *Давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти.*

(2 соатлик маъруза)

Мақсад: Тингловчиларга давлат ва ҳуқуқ, давлат қурилиши асослари, Конституцияни, ҳокимиятни тақсимланиш принципларини тушунтириш.

- ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни ўстириш;
- давлатнинг вазифалари ҳақида билимлар бериш;

Кутилаётган натижа: - Тингловчилар давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини билиб оладилар.

- Давлатлар ҳақида тўла маълумот оладилар.
- Ҳокимиятнинг тақсимланиш қоидаси, унинг моҳиятини билиб олишлари керак.

Жихоз: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, рангли суратлар, стенд ва жадваллар.

Режа

1. Давлат ва ҳуқуқ тушунчалари.
2. Давлатнинг белгилари ва функциялари
3. Давлат шакллари
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистонда фуқаролик ҳокимиятининг ҳуқуқ асосларининг вужудга келиши.
5. Давлат ҳокимиятининг тақсимланиши.

Савол ва топшириқлар

1. Давлат қачон, қандай қилиб пайдо бўлган?
2. Ер юзидаги давлатларга умумий таъриф бера оласизми?
3. Нега Конституция давлатнинг асосий қонуни ҳисобланади?
4. Ҳокимиятнинг тақсимланишини сиз қандай тушунасиз?
Инсоният тарихида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши

синфларга бўлиниб кетиши ҳуқуқнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ибтидоий жамоа тузумида ҳуқуққа зарурат бўлмади. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва жамиятнинг синфларга бўлиниши билан урф-одатлар ўз ижтимоий характери йўқотади, бинобарин уларни ихтиёрий ижро этиш асослари бузилади. Уруғларнинг бойлардан иборат юқори табақаси ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб олиб, жамиятни ўзининг тор рухий манфаатларини ифодаловчи янги хулқ-атвор қоидаларини зўрлик билан киритишига, уларни эски урф-одатлар билан алмаштиришга ёки уларнинг мазмунини ўзгартириб ўз мақсадларига мослаштиришга интилди. Қулларнинг пайдо бўлиши уларнинг ҳуқуқсизлигини мустаҳкамловчи нормаларнинг зарурлигини келтириб чиқаради.

-Ҳуқуқ атамаси бир томондан ижтимоий мазмунга (ахлоқий ҳуқуқ, маълум бир ижтимоий ташкилот аъзосининг ҳуқуқи, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи) иккинчи томондан юридик мазмунга (позитив ҳуқуқ яъни қонун нуқтаи-назаридан хулқ-атвор эркинлиги сифатидадаги ҳуқуқ) эгадир.

-Ҳуқуқ айна бир вақтда умумижтимоий тартибга солиш воситаси, ижтимоий ҳаётга уюшқоқлик, тартиб интизомни таъминлашнинг таъсирчан омили сифатида ҳам иш кўради. Ҳуқуқ моҳиятининг бу жиҳати айниқса жамият ривожланишининг муросасизликдан тотувликка, бостиришдан фикрлар хилма- хиллигига, зўронликдан келишишга ўтилаётган ҳозирги босқичда намоён бўла бошлайди. Ҳуқуқ ҳам давлат сингари тобора кўпроқ умумий масалаларни ҳал этиш механизмига айлана бошлайди. Маданиятга эришган жамиятда ҳуқуқ бугунги кунда уч асосий вазифани бажаради:

1) Ташкилий (давлат тузилмасини аниқлаш, унинг органлари ваколатини белгилаш)
2) Низо ва ихтилофларни муҳофаза қилувчи (жамиятдаги низоларни кўриб чиқиш қоидалари ва уларни ҳал этиш тартибини белгилаш, жамиятни ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан ҳимоя қилиш)

3) Мафкуравий (одамларнинг онги ва хулқ - атворига таъсир кўрсатиш)

- Ҳуқуқий норма маълум бир шароитларда ўзини қандай тутиши ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган идоравий тартибга солувчи кўрсатмадир.
- Ҳуқуқ нормалари таъқиқловчи, мажбур қилувчи ва ваколат берувчи нормаларга бўлинади.
- Барча чиқарилаётган қонунлар Конституцияга асосланган ҳолда чиқарилади.
- Ҳуқуқнинг 4та шакли мавжуддир.

А) одат шакли

Б) намуна суд шакли,

В) норматив акт шакли,

Г) ҳалқаро шартнома шакли.

Ҳуқуқий давлат ғояларининг илдизи жуда чуқур.

Унинг бошида халқ ҳокимияти ташкил этилишининг назарий асосларини кўрган Солон, Аристотель, Цицеронлар турган эди. Бироқ ҳуқуқий давлат тўғрисидаги кенгрок таълимот феодал тузум заминида, оёққа тураётган буржуазиянинг феодал ўзбошимчалик, мутлоқ зўравонликка асосланган истибдодига қарши кураш шароитларида шаклланди.

- Ҳуқуқий давлат назариясининг фалсафий асосини И. Кант берди. У “давлат – бу ҳуқуқий қонунларга бўйсундирилган жуда кўп одамларнинг бирлашувидир”, - деб таъкидлади. (И. Кант. Асарлар. 4жилд, 233бет.)
- Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси тўғрисидаги умумлаштирилган назарий —услубий билимлар тизимини ифодалайди. У инсоният жамияти турмушининг мураккаб жиҳатларидан бирини ўрганади ҳамда давлат ва ҳуқуқ нима, унинг табиати нималардан иборатлигини тушунтирибгина қолмасдан, давлат ва ҳуқуқнинг иқтисодиёт, сиёсий, маданият, ахлоқ ва бошқалар билан алоқасини ҳам кўрсатиб беради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳар хил давлат ва ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини очиб беради.

- Давлат ва ҳуқуқ муаммоси инсониятни минг йиллардан бери, давлатчилик пайдо бўлган пайтдан бошлаб ўйлатиб келади. Бу қадимги мисрликлар, ҳиндлар, хитойликлар, вавилонлар, форсар, яҳудийлар, греклар, римликлар ва бошқа халқларнинг мифологик манбаларида ўз аксини топган.
- Ҳуқуқ ва адолатли ижтимоий тузум ғояси қадимги юнон давлатчилигининг илк даврида яшаган Гомер достонларидаёқ ўз аксини топди. Бу ғоя Гесиод достонларида янада каттароқ аҳамият касб этади.

Антик даврининггина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий таълимот тарихининг буюк мутафаккирларидан бири Платон давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарий тафаккурнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. У ўзининг “Давлат”, “Қонунлар” деб номланган диалогларда идеал ҳуқуқий давлатнинг ўзи англаган тушунчасини берди. Платоннинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарияси Аристотель таълимотида янада ривожлантирилди.

Бу даврга келиб, Ўрта Осиё халқлари сиёсий – ҳуқуқий тафаккур тарақиётида катт ютуқларга эришдилар. V- VI асрларда Ўрта Осиё худудида кўтарилган халқ кўзғолонини йўлбошчиси, Маздак таълимоти бу жиҳатдан қизиқиш уйғотади. Унинг одамлар тенглиги тўғрисидаги таълимоти кенг ёйилди. Ҳошим ибн Ҳаким (Мукқанна) унинг ғояларининг издоши эди. IX – X асрларда яшаган Абу Носир ал Форобий оқилона давлат тузуми тўғрисидаги тасаввурларга айниқса салмоқли ҳисса қўшди. Уни Гегель Шарқнинг Афлотуни деб атаган эди. Форобий ўрта асрларда Шарқ мутафаккирларидан биринчи бўлиб жамият ва давлат муаммолари ҳақида фикр юритди. Унинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Бахт – саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола” асарларида ижтимоий турмуш тўғрисидаги фан, унинг васифаси, жамоат бирлашмаларининг келиб чиқиши ҳақида фикр юритилди.

- Форобий давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фаолиятини одамларнинг бирлашишига бўлган табиий интилиши натижаси, деб қаради. У ҳар бир кишининг пировард мақсади бахт – саодатига эришишдадир, деб билди. Лекин инсон ёлғиз ўзи бахт – саодатга эриша олмайди. Бунинг учун кўплаб кишиларнинг биргаликдаги саъй – ҳаракати, зарур шарт – шароит яратадиган, одамлар фаолиятини йўналтирадиган муайян ижтимоий тишкilot зарур. Давлат мана шундай ижтимоий тишкilot ҳисобланади.
- Форобийнинг фикрича, давлат икки хил бўлади.
- Биринчиси – фазилатсиз, хаёлий, ёлғон бахт – саодатга элтади. У ўз давридаги барча давлатларни мана шу турга киритган эди.
- Иккинчиси хили “Фозил”, “идеал” давлат бўлиб, бундай давлат ҳақиқий бахт – саодатни таъминлаши мумкин. Олим бундай давлатнинг моделини “Фозил одамлар шаҳри” асарида кўрсатиб беради.
- Идеал давлат, Форобийнинг фикрича, унда яшовчиларга бир –бирини тушунишга; инсонпарварликка, инсонга муҳаббатга, унда юксак ахлоқий кадриятларни кўришга, унинг ҳаётини яхшилаш учун интилишга асосланади.
- Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Ўрта Осиёдаги ижтимоий – сиёсий ғоялар ривожланиши тарихда муҳим ўрин тутди. А. Навоийнинг давлат тўғрисидаги қарашларнинг асосий қоидалари унинг “Садди Искандарий”, “Вақфия”, “Ажам подшолари тарихи” асарларида баён қилинган.

У мамлакатдаги тарқоқликни, ўзаро урушларни кескин қоралади, донишманд ва адолатли, маърифатли ҳукмдор бошчилик қилган бирлашган давлат тузишга чақирди. Адолат, Навоийнинг фикрича, ҳукмдорнинг фазилатларини белгиловчи олий меъзондир.

“Ўзи кофир бўлса ҳам адолатли шоҳ, - деб ёзади” у “Ҳамса” асарида, - мамлакатни гуллаб – яшнатади, золим шоҳ эса, гарчи мусулмон бўлса ҳам, мамлакатни хароб қилади.

- Навоий ҳатто подшоҳнинг сайлаб қўйилиши, унинг ҳукмронлик вазифаларининг чеклаб қўйилиши ғоясини ҳам илгари суради. Навоийнинг фикрича, подшоҳ бирорта ҳам муҳим давлат масаласини донишманд, ақлли маслаҳатчиларнинг рухсати ва розилигисиз ҳал этмаслиги керак.

- Навоийнинг замондоши, форс – тожик адабиётининг классиги А. Жомийнинг идеал давлат тўғрисидаги тасаввурлари бирмунча бошқачароқ эди. У ўзининг “Искандарнинг донишмандлиги” китобида “на шоҳ, на ҳоким бўлмаган” бахтли шаҳар киёфасини яратади. Ўрта асрлардаги илоҳиётчи Абдул Ҳасан ал Мавридий ҳам адолатли давлат тузимининг тарафдори эди. У давлатни даҳрийлик асосига куриш мумкин, лекин адолатсизлик асосига курилган давлат кулашга маҳкумдир, деб ҳисоблар эди.
- Давлат бирданига юзага келмади, балки аста – секин вужудга келаётган синфлар ўртасидаги зиддиятлар кучайиши давомида пайдо бўлди. Давлат ҳали уруғчилик тизими ичидаёқ шаклланган бошқарув органларини қисман ўзгартириб, қисман янги органларни жорий этган ҳолда уларни сиқиб чиқариб юзага келди ва ниҳоят, уларни ҳақиқий давлат ҳокимияти билан алмаштирди. Давлатнинг пайдо бўлиши турли халқларда турлича юз берди.

- Давлатнинг белгилари

1. Аҳолининг ҳудудий белги бўйича бўлиниши. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва меҳнатнинг тақсимланиши баробарида ҳар хил уруғларнинг аъзолари авлоддан – авлодга ўтган сари тобора бир – бирларига қўшилиб борадилар ҳамда уруғ муносабатлари орқа ўринга сурилади.
2. Оммавий ҳокимиятнинг пайдо бўлиши. Давлат фақат бошқарув билан машғул бўлган алоҳида кишилар гуруҳи пайдо бўлганда юзага келади. Ибтидоий жамоа тузуми шароитида полициячилар, тўралар, қироллар, ҳокимлар бўлмаган эди. Бу синфда ҳар бир уруғ ёки қабила аҳолининг ўз ҳолича ҳаракат қилувчи қуролли ташкилоти сифатида бошқарувни биргаликда амалга оширар эди. Синфлар пайдо бўлиши билан кишиларнинг бундай ташкилоти фаолият кўрсатиш учун имкон қолмади.

Қулларни итоатда сақлаш учун кишиларни қуролланган махсус отрядига эҳтиёж пайдо бўлди. Полиция, суд, қамоқхона ва оммавий ҳокимият намоён бўлишининг, қулдорларнинг қуллар устидан зўравонлигининг бошқа шакллари пайдо бўлди. Оммавий ҳокимиятга эга бўлган тўра жамиятдан юқори турган кучга айланди.

3. Солиқларнинг мавжудлиги солиқ деганда давлатнинг аҳолидан давлат аппаратини сақлаш учун зарур бўлган моддий маблағларни ундириб олиш тушунилади.
4. Ҳуқуқнинг мавжудлиги. Бу ижтимоий тузимнинг моҳиятидан келиб чиқадиган ва давлат томонидан мустаҳкамланган, ижро этилиши умумий мажбурий бўлган нормалар, ҳулқ - атвор қоидаларидир.
5. Ва, ниҳоят, гарчи бу барча томонидан тан олинмаса – да, давлатнинг муҳим белгиларидан бири сифатида сиёсий ҳокимият давлат ҳокимиятини айтиб ўтиш керак. Сиёсий ҳокимият – бу ижтимоий ҳокимиятнинг бир туридир.

- Давлатнинг шакллари.

Давлатнинг шакллари деганда ҳокимиятнинг ташкил этилиши, унинг ички тузилмаси ва ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий усуллари тушунилади.

Давлат бошқарувининг икки асосий шакли: монархия ва республика шакллари маълум.

А) Монархия – олий давлат ҳокимиятини монархияифодалайдиган бошқарув шакли бўлиб, у одатда тахтга меросхўрлик бўйича эгалик қилади, баъзан эса умрбод сайланади.

- Чекланмаган (мутлоқ) монархия (бунда монарх ягона ҳокимият органи ҳисобланади)
- Чекланган монархия (бунда монарх билан биргаликда олий ҳокимиятнинг бошқа органи ҳам бўлади)
- Монархия қулдорлик жамиятидаёқ шаклланади, феодализмда бошқарувнинг асосий шаклига айланади, бизнинг кунларимизда баъзи давлатларда учраб туради.

Б) Республика – бошқарувининг шундай шаклидирки, бунда давлатдаги олий ҳокимият муайян муддатга сайланадиган органлар орқали ифодаланади. Аҳолининг қайси табақалари давлат ҳокимият органларини сайлашда расмий ҳуқуққа эга бўлишларига боғлиқ равишда республика аристократик ва демократик республикага бўлинади. Шунингдек парламентлик республика ва президентлик республикалари ҳам мавжуд. Парламент республикаларида сиёсий ҳаётдаги ҳал қилувчи роль парламент томонидан шакллантириладиган ҳуқуқматга, президентлик республикаларида эса президентга тегишли бўлади.

- Давлатлар давлат қурилиши шаклига кўра оддий ва мураккаб бўлади.

- Оддий ёки унитар давлат-

Бу шундай давлатки, унда бутун мамлакат учун давлат суверенитетни амалга оширувчи ягона давлат ҳокимияти мавжуд бўлади. Унитар давлат вилоятлар, округлар, кўрғон, шаҳарлар, департаментлардан иборат бўлади. Булар маъмурий – ҳудудий бирликлар деб аталади, уларни эса ҳуқуқмат раҳбарлари томонидан тайинланадиган, фақат марказга бўйсунадиган шахслар бошқаради.

- Мураккаб давлат – бу у ёки бу даражада мустақилликдан фойдаланувчи алоҳида давлат тузилмаларидан иборат бўлган давлатдир. Империя, федерация мана шундай мураккаб давлатлар сирасига киради.

- Империя – зўрлик билан ташкил этиладиган мураккаб давлат бўлиб, таркибий қисмларнинг олий ҳокимиятга боғлиқлик даражаси жуда турли – тумандир.

- Федерация – бир қанча давлатлар ёки давлат тузилмалари ихтиёрийлик асосида бирлашган давлатдир. Бу давлатлар муайян мустақилликка – суверенитетга эга бўладилар, бу давлатнинг ёки давлат тузилмасининг Конституциясида қайд қилинади.

- Федерация унитар давлатдан фарқ қилган ҳолда ҳокимият олий органнинг икки босқичга: федератив ёки иттифоқ олий ҳокимият органига ҳамда федерация аъзолари ҳокимият органига эга бўлади. Давлатлар иттифоқининг конфедерация ва ҳамдўстлик деб аталувчи тури ҳам мавжуд. Конфедерацияга кирувчи.

- Давлатлар иттифоқининг конфедерация ва ҳамдўстлик деб аталувчи тури ҳам мавжуд. Конфедерацияга кирувчи давлатлар тўлиқ суверенитетдан фойдаланадилар.

- “Давлатлар ҳамдўстлиги” деган тушунча ҳам мавжуд. Бу сиёсий – иқтисодий манфатларнинг ёки коллектив келишиши ва ҳаракат қилишнинг ягона йўлини ишлаб чиқиш асосида ҳал этиладиган бошқа манфатларнинг умумийлиги туфайли бир – бири билан боғланган мустақил, суверен давлатларнинг ихтиёрий бирлашишидир.

- Давлатнинг функциялари.

Давлатнинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади.

Функциялар деганда жамиятни бошқаришнинг предмети – сиёсий фаолияти ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш механизми тушунилади.

Давлат функцияларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар давлатнинг моҳиятидан, ижтимоий вазифасидан келиб чиқади.

Давлат функциялари қуйидагилардан иборат?

- 1- Ағдарилган синфларнинг қаршилигини енгиш. Бу функция эксплуататорлар синфи тугатилгандан кейин ўз умрини яшаб бўладиган вақтинчалик функция деб қаралади.
- 2- Давлатнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва иқтисодиётга раҳбарлик қилишга доир фаолиятини қамраб олувчи хўжалик – ташкилотчилик функцияси.
- 3- Халқ таълими, фан, маданияти, маърифий ишлар ва оммавий спорт ишларига, иоммавий ахборот воситаларига раҳбарлик қилишда намоён бўлувчи маданий – тарбиявий функция:

- 4- Иш вақтини нормаллашда, ишлаб бериш нормаларини белгилашда, иш ҳақи миқдорларини тартибга солинди, озиқ - овқат маҳсулотлари нархларини белгилашда ифодаланадиган меҳнат меъёрлари ва истеъмол меъёрларини тартибга солиш функцияси:
- 5- Давлатнинг соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш уй б- жой коммунал хизматлар, транспорт, алоқа , ижтимоий таъминот соҳасидаги фаолиятини қамраб олувчи ижтимоий хизматлар кўрсатиш функцияси:
- 6- Ҳуқуқ - тартиботини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий нормаларнинг бажаралишини таъминлаш функцияси;
 - Шу муносабат билан давлатимизнинг ички функцияларини унинг ривожланишининг ҳозирги босқичида қуйидаги тартибда шакллантириш тўғри бўлур эди:
 - Янги жамиятнинг иқтисодий асосини куриш:
 - Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий адолатни таъминлаш:
 - Янги ижтимоий турмушнинг маънавий соҳаси ривожланишига кўмаклашиш:
 - Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш:
 - Ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш , ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини таъминлаш.
 - Бизга нега янги Конституция зарур бўлиб қолди?
 - Янги Конституция қабул қилиш заруратини қуйидаги сабаблардан келиб чиққан эди:
- 1 Конституция миллий давлатни барпо этиш ва ташкил этишнинг юридик асоси бўлиши керак, мустақил давлатга эса ўз Конституцияси зарур эди:
- 2 Конституция халқининг инсон ҳуқуқлари ва демократик муносабатларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиши керак эди:
- 3 Конституция инсон ва фуқароларнинг жамият ва давлатдаги асосий ҳуқуқлари ва бурчларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиши керак эди:
- 4 Конституция мамлакатдаги янги бозор муносабатларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиши лозим эди:
- 5 Конституция шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатларининг табиатини белгилаб бериш зарур эди.

ХII чақирик Ўзбекистон Олий кенгашининг 1990 йил мартда бўлиб ўтган биринчи сессияси янги Конституцияни тайёрлаш масаласини қўйди. Олий Кенгашнинг 1990 йил июда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида республика Президенти И. А. Каримиов раислигида Конституцион комиссияси тузилди.

Комиссия томонидан кўп сонли таклифлар инобатга олинган ҳолда тайёрланган Конституция лойиҳаси Олий Кенгаш муҳокамасига қўйди, Олий Кенгаш эса XI сессиясида уни маъқуллаб, Ўзбекистон Республикасининг ҳозир амал қилаётган Конституциясини қабул қилди.

- Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси шу тарзда амалга киритилган, у қабул қилинган кун – 8 декабрь эса махсус қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун, умумхалқ байрами деб эълон қилинган эди.
- Конституция – давлатнинг асосий қонун бўлиб, конституциявий тузум, давлат курилиши асосларини фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб беради, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларини тузишни тартибга солиб туради, сайлов тизимини жорий этади, давлат рамзларини белгилайди ва Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини мустаҳкамлаб қўяди.
- 1992 йилга Конституция хусусий мулк ва бозор иқтисодиётига асосланган янги ижтимоий – сиёсий тизим негизини яратиб беради. Конституцияда мафқуравий хилма – хиллик, кўппартиявийлик мустаҳкамлаб қўйилган.

- 1992 йилги Конституция давлатни эмас, балки инсонни биринчи ўринга қўяди. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр - қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадриятлар деб эълон қилинди.
- Конституция шунингдек фуқаро ва давлатни ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғловчи принципни ҳам мустаҳкамлаб қўйди.
- Конституция ҳақида И. А. Каримов шундай ёзади:
“Олдимизда эркин фуқаро, шахснинг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, ўз ҳуқуқларини биладиган, ўз кучига ва лаёқатига таянадиган, теварагида кечаётган воқеаларга мустақил муносабатга эга бўлган ва шунинг баробарида шахсий манфатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган инсонларни тарбиялаш вазифаси турибди”.
- Муқаддима – Конституцияга кириш қисмидир. Муқаддимада Ўзбекистон тараққиёт йўлининг мақсадлари, вазифалари ва принциплари қисқа санаб ўтилади.
- Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Суверенитет – давлатчилик негизидир;
- Мамлакатни ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниб ривожлантириш;
- Демократия ва ижтимоий адолат идеалларини тан олиш;
- Ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини тан олиш;
- Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш;
- Фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш;
- Муқаддима – Конституцияда қабул қилинаётган мақсадлар ва принципларни халқ номидан тантанали эълон қилишидир.
- Конституция сўзи латинча “Constitutio” сўзининг таржимаси “Низом, қоидалар” деган маъноларни англатади.

Конституция муқаддима ва олти бўлимдан иборат. Муқаддимада Республика Конституцияси қайси асосларда бунёд этилгани кўрсатилган.

Биринчи бўлим – Асосий қоидалар тўрт бобдан иборат,

Уларда давлатчиликнинг асосий тамойиллари, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, қонун устиворлиги, ташқи сиёсатнинг асосий принциплари кўрсатилган.

Иккинчи бўлим – инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятларини мустаҳкамлайди.

Учинчи бўлим – жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларига бағишланган.

Тўртинчи бўлим – Республиканинг маъмурий ҳудудий ва давлат қурилиши масалаларига аниқлик киритилган.

Бешинчи бўлим – Республика давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, сайлов тизими, прократура фаолиятини, молия – кредит тизимини, мудофаа ва хавфсизликни ташкил этишни мустаҳкамлайди.

Олтинчи бўлим – Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгилаб берилган.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юридик ҳуқуқларнинг умумий тизимида асосий ролни эгаллайди, давлатнинг барча қонунлари ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

1- бўлим асосий принциплар (4 боб- 1- IV-боблар, 17 модда- 1- 17 моддалар)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши.
Муқаддима

2-бўлим. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари,
эркинликлари ва бурчлари (7 боб-V-XI- боблар,
35 модда-18-52 моддалар)

3- Булим. Жамият ва шахс. (4 боб – XII-XV боблар,
15 – модда – 53 – 67 моддалар)

4- Булим. Маъмурий – худудий ва давлат тузилиши.
(2 боб- XVI – XVII боблар, 8 модда – 68 – 75 моддалар)

5- Булим. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши. (9 боб- XVIII
– XXVI боблар, 51 модда – 68 – 75 моддалар)

6- Булим. Конституцияга узгартириш киритиш тартиби. (2
модда – 127 – 128 – моддалар)

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис, Президент Вазирлар маҳкамаси, суд ҳокимияти органлари, давлат ҳокимиятини амалга оширадилар. Олий Мажлис айна пайтда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, таркибидаги депутатлар халқ манфаатларини ифодалайди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 76 модда).

Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси 5 йил муддатга сайланувчи 250 нафар депутатдан иборат. Қонунларни рўйобга чиқариш учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига мувофиқ ижро этувчи ҳокимият, мамлакат ҳукумати вазирликлар давлат қўмиталари идоралардан таркиб топган Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Вазирлар Маҳкамаси таркиби Президент томонидан тузилади ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Ҳокимият тармоқларидан ҳар бири инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширади. Башарти қонун чиқарувчи органлар қонунларни қабул қилса, суд органлари эса қонунлар асосида одил судловни амалга оширади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонунийлик ва адолатли қарор топтириш, суд органларининг асосий мақсадидир.

Ҳокимият бўлмаган жамиятни тасаввур қилиш қийин албатта. Жамият тараққиёти тарихидан олинган мисолларда ҳокимият бўлмаган жамият ички зиддиятлар ва ҳокимият учун кураш юки остида нест – нобуд бўлишини кўришимиз мумкин. Кўп асрлар давомида инсониятнинг тиллабош фарзандлари идеал давлат барпо этиш учун, “бахт – саодат формуласи”ни беҳудадан – беҳудага излашди. Мустақиллик эълон қилиши билан Ўзбекистонда ўз янгилашиш ва жамият тараққиёт йўлини тиклаб олиш имконияти вужудга келди. Мустақил Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг назарий асослари мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов асарларида баён этилган.

Ўзбекистоннинг ўз янгилашиш ва тараққиёт йўли тўрт принципга асосланди:

- Умуминсоний кадриятларга содиқлик;

- Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- Инсон ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- Ватанпарварлик.

Демократик жамиятда қонун заминида иш кўрувчи ҳокимиятнинг обрўйи баланд бўлади ва кишилар бундай ҳокимиятга жазо таҳликасида эмас, балки унинг ҳатти – ҳаракатларини маъқулланганликлари туфайли бўйсундилар.

Ҳокимият – кишиларнинг юриш – туришларини, уларнинг ҳатти – ҳаракатларига ва одатларига таъсир ўтказиш имкониятидир. Давлат ҳокимияти органлари жамиятда тартиботни таъминлайдилар ва кишиларни бирлаштирувчи ғоялар ишлаб чиқадилар.

Давлат – мажбур қилиш кучига, яъни ҳокимиятга эга бўлиб, ўз фуқаролари, шунингдек худудида истиқомат қилувчи барча инсонларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, бошқа давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларда киришадиган мустақил сиёсий ташкилотдир.

Ҳуқуқ - давлат томонидан белгиланадиган, муҳофаза қилинадиган, бажарилиши ҳамма учун мажбурий бўлган ҳуқуқ атвор нормалари йиғиндиси.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й.
2. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари, Тошкент, Ўзбекистон, 1996 й.
3. Каримов И.А.Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Тошкент, Ўзбекистон, 1993й.
4. Азизхўжаев А. А. Давлатчилик ва маънавият. Т. Шарқ, 1997 й.
5. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Изоҳли луғат, Т. ўқитувчи,1996й.
6. Отамурадов С. ва бошқ. Полотология (ўқув кўлланма). Тошкент , Ўзбекистон, 1999 й.
7. Каримова О. К. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ асослари (ўқув кўлланма), Тошкент 1996 й.
8. Бобоев Ҳалим. Норматов Карим. Миллий давлатчилик ҳақида. Т. Ёзувчи, 1996 й.
9. Аманов О. Давлат ва ҳуқуқ асослари курсида кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш ўқув кўлланмаси. Шарқ, Т. 1997й.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”.Т. 1997й.
11. Каримов И.А. Давлатчилик – истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида Т. 1999 й.
12. Саидов А. Тожиҳанов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т1999 й.
13. Саидов А. Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Т. 1998 й.
14. Холмўминов Қ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т. 1998й.
15. Аҳмедов Даврон. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилигининг мустаҳкамланиши. Т. 1999 й.

Тестлар.

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши тўғри берилган қаторни аниқланг.
 А.Муқаддима.6.б.26 боб. 158 модда
 Б. Муқаддима 5.б.26.боб. 158 модда
 В.Муқаддима 6.б. 26.боб 128 модда
 С. муқаддима 6.б. 25 боб. 128 модда
 Д. Муқаддима 5.б.25 боб. 128 модда
2. Давлатнинг бошқариш шакллари аниқланг.
 А.Унитар ва федерал давлат.
 Б. Монархия ва республика типидagi давлат

- В. Демократик ва ғайридемократик давлатлар.
- С. А ва Б тўғри.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

3. Давлат ҳокимияти қандай тақсимланади:

- А. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва оммавий ахборот воситалари.
- Б. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти.
- В. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи.
- С. А ва Б тўғри.
- Д. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд, оммавий ахборот воситалари.....

4. Ички ва ташқи функциялар бу нима ?

- А. Давлатнинг белгилари
- Б. Давлатнинг шакллари
- В. Давлатнинг функциялари
- С. Давлатнинг бошқарилиши
- Д. Давлатнинг хусусияти

**Мавзу: Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш.
Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши**
(2 соат)

Мақсад: Ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти ҳақида тушунча бериш.

- Фуқароликнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг кафолатланиши
- Ҳуқуқ ва унинг турлари;
- Виждон эркинлиги ҳақида тушунчалар бериш.

Натижалар: Тингловчилар ҳуқуқий – демократик давлат ҳақида билимлар оладилар;

- ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг кафолатланишини биладилар;
- Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни ўстириш лозимлигини англайдилар.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида билимларга эга бўладилар.

Жихоз: стендлар, рангли суратлар, видеоларҳалар.

Режа:

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш.
2. Ҳуқуқ ва унинг турлари.
3. Виждон эркинлиги.
4. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши.

Савол ва топшириқлар.

1. Ҳуқуқ деганда нимани тушунасиз?
2. Нега ҳуқуқ турларга бўлинади?
3. Сизнингча “виждон эркинлиги” тушунчасини қандай англаш мумкин?
4. Ҳуқуқсиз яшаб бўладими? Нега?
5. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини санаб беринг?

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш.

Ҳуқуқ ва унинг турлари. Виждон эркинлиги. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоялаш.

Демократик жамият қуриш бобида ҳамма давлат учун тайёр қолип ва андозалар йўқ. Демократик жамиятнинг халқаро миқёсида эътироф этилган бир қатор тамойиллари бор. Чунончи, инсоннинг ўз хошиш–иродасини эркин билдириш ва уни амалга ошириш; озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши;

Давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги; давлат асосий органларининг сайлаб қўйилиш ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериш ва бошқалар. Шунингдек Ўзбекистон демократик, фуқаролик жамият қурилишида халқимизнинг неча минг йиллик тарихий ва маънавий тараққиёти тажрибасига, миллий давлатчилигимиз негизларига, маънавий меросимиз илдизларига суянади.

Ўзбекистон Конституцияда Ўзбекистонда қурилиш жамият ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этилиши тўғрисида уни муқаддимасида баён этилган .

Конституциясининг 2 – моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши таъкидланса, 7–моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан–бир манбаидир” деб ёзиб қўйилган. Конституцияда Республикада фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий–сиёсий жабҳаларини давлат тасарруфидан чиқариш зарурлигини белгилайди.

Булар:

- Халқимизга мос миллий анъаналаримиз асосида ҳақиқий демократик тамойилларни қарор топтириш;
- Халққа ўз ҳокимиятини бошқариш ишида имконият яратиб бериш (муҳим масала, референдумда)
- Ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниш.
- Марказий органларнинг ваколатлари, жойларга Қорақалпоғистон Республикасига, вилоят, туман шаҳарларга берилиш.

Ҳуқуқнинг шакллари.

- Одат – хулқ-атвор қондаси бўлиб, бу хулқ-атворнинг ш узок вақт қўлланиши оқибатида шаклланган, фақат давлат томонидан тасдиқланган одатгина ҳуқуқ манбаи бўлиши мумкин.

- Суд прецеденти–суднинг умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган аниқ бир иш бўйича қароридир.
- Норматив акт–ҳуқуқ нормаларининг белгиланиши, ўзгартирилиши, ёки бекор қилинишига қаратилган, давлатнинг тегишли органи томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актни ўзида намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Қонунлар Олий Мажлис томонидан ёки халқнинг овоз бериши йўли билан қабул қилиниши белгиланади. У бир неча босқичда амалга ошади.

- Қонун чиқариш ташаббуси;
- Қонун лойиҳасини муҳокома қилиш;
- Қонун қабул қилиш;
- Қонун эълон қилиш;

Ҳуқуқ тармоқларга, кичик тармоқларга, ҳуқуқ институтларига (ташкilotларга) бўлинади.

- Давлат ҳуқуқи;
- Маъмурий ҳуқуқ.
- Молия ҳуқуқи;
- Ер ҳуқуқи.
- Фуқаролик ҳуқуқи;
- Меҳнат ҳуқуқи;
- Оила ҳуқуқи.
- Жиноят ҳуқуқи.
- Жиноят процессуал ҳуқуқи.

Конституция муқаддимасида фуқаролик жамиятининг ифодалаш шакли бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш Ўзбекистон Республикаси халқининг вазифаларидан бири деб белгиланган.

Конституциянинг 7–моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи” дейилса, унинг 2–моддасида давлат халқ иродасини ифодалаш таъкидланади.

Фуқаролик жамиятининг қарор топишини Конституция иқтисодиётини давлат тасарруфидан чиқариш билан узвий боғлайди.

Фуқаролик жамиятнинг муҳим таркибий элементларидан бири жамоатчилик ташкilotларидир.

Давлат ўз фаолиятини давлат органлари орқали амалга оширади, давлат органлари тизимига қўйидагилар қиради:

- Вакиллик ҳокимияти органлари–Олий Мажлис
- Ижро этувчи–фармойиши берувчи ҳокимият органлари. Президент раҳбарлигидаги Вазирлар маҳкамаси, Вазирликлар, идоралар, давлат қўмитаси ўзини – ўзи идора этувчи органлар.
- Суд органлари; конституциявий суд, умумий судлар, ҳарбий судлар, хўжалик судлари;
- Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар 1993 й. 2 сентябр. “Судлар тўғрисида”ги Қонун

- Ижро этувчи ҳокимиятни, президент ҳокимиятини мустаҳкамлаш. (шарқона демократия)
- Конституция ва ҳуқуқ устивор, қонун олдида ҳамма тенг.
- Фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари қонук билан кафолатланади.

Фуқаролик жамиятининг қарор топишини Конституция иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқаради.

Бу жараён куйидагиларни ўз ичига олади.

1. Иқтисодиётни сиёсатдан озод қилиш.
2. Иқтисодиётдаги давлат якка ҳокимлиги тугатилади.
3. Бозор муносабатларига ўтиш, маъмурий хўжалик алоқаларини шартнома алоқалари билан алмаштириш.
4. Иқтисодиётдаги давлат бошқарувини қайта ташкил қилиш;
5. Инсон, давлат манфатлари уйғунлашади.
6. Меҳнат муносабатларини мулкчилик шакллари эркин танлаш учун йўл очилади.
7. Ижтимоий ҳимоя кафолатлари ортади. Ҳимоянинг давлат тасарруфида бўлмаган шакллари кўшиб олиб борилади.

Ҳуқуқ, эркинлик, бурчлар.

Ўзбекистон Республикаси барча фуқароларининг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш, ижтимоий келиб чиқишдан, жинси, миллати, ирки, тили, эътиқоди, шахси ва ҳоказолардан қатъий назар, қонун олдида тенг эканликлари Конституциянинг 18–моддасида таъкидланган. Инсон ҳуқуқи дейилганда қонун билан белгиланган ва ҳимоя қилинадиган ўз хаётий эҳтиёжларини қондириш ва улардан фойдаланиш тушунилади.

VII боб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган.

Сизлар инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича дунё миқёсидаги давлат арбобларининг учрашувларини биласиз (Хольсинки 1975, Копенгаген, 1990 йил) энг асосий ҳужжат бу 1948 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ҳисобланади.

- Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини 35–моддасида, Ўзбекистон Конституциясининг VII бобида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ёзилган.

- Инсон
- Яшаш ҳуқуқига эга. Қонунга асосланмаган ҳолда фуқаро ҳибсга олиниши мумкин эмас.
- Кўчиш, фикрлаш, сўз, эътиқод эркинлиги ҳуқуқи.
- 31–модда виждон эркинлиги (хохлаган динга эътиқод қилиш, ёки эътиқод қилмаслиги мумкин.
- Президентнинг 1990 йил 2 июнда “Мусулмонларни Саудия Арабистонга ҳаж қилиш тўғрисида”ги фармони.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари

33-модда - Қонунга мувофиқ фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига

мувофиқ митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш мумкин. Давлат руҳсат бериб жой билан таъминлайди.

Иттифоқ даврида байрамлардагина руҳсат бериларди.

- Фуқаролар касаба уюшма, сиёсий партияга, жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эга.
- Иттифоқ даврида фақат Комунистик партия бор эди холос
- Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга.
- Фуқаролар давлат органларига, муассаларига халқ вакиллари ариза, таклиф, шикоят билан мурожат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларидан келиб чиқади. Фуқаролар:

- Меҳнат қилиш;
- Мулкдор бўлиш;
- Эркин касб танлаш;

- Ҳар – хил ижтимоий – таъминот олиш
- Тиббий хизматдан фойдаланиш.
- Билим олиш;
- Ижод қилиш ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Барча фуқароларнинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқи, эркинликлари давлат ҳимоясидадир.

Фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари уларнинг бурчлари Конституцияда белгилаб қўйилган Бурч нима? Бурч – бу адо этилиш, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа, мажбурият демакдир.

Демак бурч бажарилиши шартдир.

47–модда “Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар” деган вазифани ҳар бир шахс олдига қўяди.

Ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда уни ҳурмат қилиш зарур.

49–модда фуқаро ўз халқини тарихини билиши, уни ҳурмат қилиши керак дейилган. Тарихий меросни асраш керак.

52–модда, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг бурчидир дейилган.

Т Е С Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қайси боби фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланади?
 - А. I- бўлим I- V боблар 1 – 17 моддалар
 - Б. II- бўлим V – X боблар, 18- 46 модда
 - В. III –бўлим, XI – XV боблар 47 – 51 моддалар
 - С. IV - бўлим XV – XVI боблар 52- 128модда.
2. Ўзбекистон халқи номидан ким иш олиб бориши мумкин?
 - А. Фақат халқ сайлаган Президент ва Республика Олий Мажлис.
 - Б. Республика Олий Мажлисининг раиси.
 - С. Ўзбекистон Республикаси бош вазири
 - Д. Ўзбекистон Республикаси бош прокурори
3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қандай йўналишларга ажратилади?
 - А. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари
 - Б. Сиёсий ҳуқуқлар
 - В. Фуқароларнинг ижтимоий – иқтисодий ҳуқуқлари
 - С. А,Б,В жавоблар тўғри
 - Д. Тўғри жавоб йўқ
4. Фуқароларнинг мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш ва эркин касб танлашлари қайси ҳуқуқларига киради?
 - А. Фуқароларнинг ижтимоий – иқтисодий ҳуқуқлари
 - Б. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари
 - В. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари
 - С. А, Б,В тўғри Д Барча жавоблар нотўғри.

Мавзу: Демократия ва сайловлар (2 соат).

Мақсад: - демократия ҳақида тушунчалар;

- сайлов тизими;
- халқ хокимиятчилиги;
- Ўзбекистонда Президент бошқарув тизими ҳақида билимлар бериш.

Жихоз: 1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

2. Левитин, Карлайл . “И.А.Каримов – Ўзбекистоннинг биринчи Президенти”.

Кутилаётган натижалар - тингловчилар: халқ хокимиятчилиги , сайловлар, демократия, сиёсий партия, Президент бошқарув тизими ҳақида тушунчалар оладилар.

Р Е Ж А :

1. Ўзбекистонда сайлов тизими.
2. Халқ хокимиятчилиги.
3. Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг ваколатлари

Савол ва топшириқлар

1. Демократия ҳақида тушунчани сиз қандай тушунасиз?
2. Сайловлар тизимида қандай ўзгаришлар бор деб ҳисоблайсиз?
3. “Халқ ҳокимиятчилиги” атамасининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Сизнингча сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолиятида қандай ўзгаришлар қилиш лозим деб ўйлайсиз?
5. Фикрингизча, кимлар Президент бўла олади?
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қандай ваколатларни биласиз?
Ўзбекистонда сайловлар тизими.

Конституциянинг 23-боб 17-моддаси сайлов тизимига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикасида президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловлари умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бил восита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида 2 та вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Сайловларда яширин овоз бериш таъминланади. Овоз бериш биносида сайлов бюлетенларини тулғазиш учун алоҳида хона ёки кабинет ажратилган бўлади. Кабинада овоз берувчидан бошқа бирон шахсни бўлиши ман этилади. Сайлов бюлетенига сайловчининг фамилияси ёзилмайди, бирор рақам ва белги ҳам қўйилмайди. Сайлов тизимининг яна муҳим хусусияти шуки, у кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Собиқ иттифоқ республикалари орасида биз биринчи бўлиб кўп партиявийлик асосидаги сайлов тизимига ўтдик. Фуқаролар маҳаллий вакиллик органларига сайланиш учун 21 ёшга, олий мажлисга сайланиш учун 25 ёшга тулган бўлишлари керак. Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларга енгиллик яратилади, улар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эга. Овоз бериш биносига кела олмайдиганларга, саломатлиги ёмон сайловчиларга турган жойида овоз бериш ташкил этилади. Олий мажлис ва маҳаллий кенгашларга номзодлар кўрсатиш ҳокимият вакиллик органлари сиёсий партиялар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Сайлов белгиланган кундан камида 6 ой бурун Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шунингдек фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи ва ҳокимият вакиллик органлари номзод кўрсатади.

Сиёсий партиялар ва жамият бирлашмалари.

Демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этиш аҳолининг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданияти, одамларнинг янги демократик кадриятларни идрок этиши масалалари билан боғлиқ. Шу туфайли турли сиёсий партиялар ва жамият бирлашмалари шаклланиши ва қарор топиши муҳим ўринга эга. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг фаолияти демократик жамият учун зарур бўлган сиёсий муҳолифатни шакллантиради.

«Шуни яхши уқиб олишимиз керак», - деган эди И.А.Каримов Олий мажлиснинг VI-сессиясида сўзлаган нутқида, - жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган, кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, валонтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар бўлмаслигига кафолат ҳам бўлмайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари вужудга келиши ва фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Республика парламенти томонидан қабул қилинган «Жамоат ташкилотлари тўғрисида» 1991 йил 15 феврал, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», 1998 йил 28 апрелда, «Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида» 1996 йил декабрдаги қонунлар шулар жумласидандир.

- Ўзбекистонда 4 та сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда:

1. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси.

1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган Таъсис қурултойида ташкил топди. Дастур ва низоми қабул қилинди. 1991 йил 15 ноябрда партия Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга

олинди. 1991-1994 йилларда М.М.Расулов, 1994-йил 1 ноябрдан Абдулхафиз Жалолов ХДП Марказий Кенгашининг 1-котиби. У парламент партиясидир. 420000 дан зиёд аъзоси мавжуд. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали бор.

2. «Адолат» социал – демократик партияси.

АСДП 1995 йил 18 феврал куни Таъсис қурултоида тузилди. Адлия вазирлигидан ўша куниёқ рўйхатдан ўтказилди. 30 мингдан ортиқ аъзоси бор. Турғунпўлат Даминов 1-котиб, «Адолат» номли ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетаси мавжуд.

3. Миллий тикланиш демократик партияси.

МТДП 1995 йил 3 июнда дастур ва низоми қабул қилинди. П.Қаюмов партия раиси қилиб сайланди. Адлия вазирлигидан 1995 йил 9-июнда рўйхатдан ўтказилди. 6000 дан ортиқ аъзоси бор. 1997 йилдан И./офуров партия раиси. «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

4. Фидокорлар миллий демократик партияси.

ФМДП 1998 йил декабр ойида тузилди. Дастур ва низоми қабул қилинди. Декабр ойида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган. «Фидокор» газетаси нашр этилади. ФМДП «Ватан тараққиёти» партияси билан қўшилган. ФМДП раиси Ахтам Турсунов бошқармоқда. 50 мингдан зиёд аъзоси мавжуд.

Жамоат ташкилотлари.

Ўзбекистонда турли жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Касаба уюшмалари. Турли касб эгалари бўлган ходимларни жинси, диний эътиқодлари, ирқий ва миллий мансубликларида қатъий назар ихтиёрий бирлаштирувчи мустақил оммавий жамоат ташкилоти сифатида фаолият кўрсатмоқда. 1996 йилги маълумотларга кўра Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 53 мингга яқин бошланғич ташкилотга бирлашган 7,5 миллиондан зиёд аъзоси бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таркибида 21 тармоқ касаба уюшмалари мавжуд, ҳудудий жиҳатдан эса Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ҳамда битта шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари мавжуд.

- Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 1 мартдаги Ўзбекистон республикаси «Хотин-қизлар кўмитаси тўғрисида» ги фармойиши билан Хотин-қизлар кўмитаси тузилди.
- 1996 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Фахрийлар кенгаши «Нуроний» жамғармасига айлантирилди. Б.Рахимов «Нуроний» жамғармасининг раиси қилиб сайланди.

Олий мажлис ва унинг мутлақ ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Вакиллик – органи нима? Бу халқ томонидан сайлаб қўйиладиган энг яхши вакиллар ҳисобланиб, улар асосан қонун қабул қилиш билан шуғулланадилар. Уларнинг асосий фаолияти халқ иродасини ифода этади, Олий мажлис депутатлари уларни сайлаб қўйган халқ олдида жавобгардирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Ўзбекистон Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари 24 та бўлиб, уларни шаклан беш гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Давлат қурилиш соҳаси.
2. Хўжалик соҳаси.
3. Бошқарув ва суд органлари.
4. Қонунчилик соҳаси.
5. Халқаро алоқалар соҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви бирданига қарор топгани йўқ. Республика парламенти 1990 йил март ойида қонун қабул қилиб, ўша вақтда амалда бўлган Конституцияга (1978 йил 19 апрел) тузатишлар киритди. Шу тариқа Президент лавозими жорий этилди. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида умумхалқ томонидан сайланди. У давлат бошлиғи

сифатида давлат ичкарисида ва халқаро муносабатларда иш олиб боради. Президент ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида ижро этувчи ҳокимият девонини тузади. У айти пайтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади. Република курулли кучларининг олий бош қўмондони ҳамдир. Президент шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тартиби

«Ўзбекистон Республикасида Президентлик сайлови тўғрисида» ги қонун (1991 йил 18 ноябр) асосида амалга оширилди. Президент бўлиб сайланадиган шахс 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, сайловгача Ўзбекистонда 10 йил муттасил яшаган Республика фуқароси бўлиши керак. Президент сайлангандан сўнг олий мажлис йиғилишида Ўзбекистон Халқ депутатлари, халқи олдида қасамёд қилади. У қасамёдида ўз халқига садоқат билан хизмат қилиши, Республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бажарилишини таъминланиши тўғрисида гапиради. Ўзбекистонда Президент 7 йилга сайланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й.
2. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари, Тошкент, Ўзбекистон, 1996 й.
3. Каримов И.А.Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Тошкент, Ўзбекистон, 1993й.
4. Азизхўжаев А. А. Давлатчилик ва маънавият. Т. Шарқ, 1997
5. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Изохли луғат, Т. ўқитувчи,1996й.
6. Отамурадов С. ва бошқ. Полотология (ўқув қўлланма). Тошкент , Ўзбекистон, 1999 й.
7. Каримов О. К. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ асослари (ўқув қўлланма), Тошкент 1996 й.
8. Бобоев Ҳалим. Норматов Карим. Миллий давлатчилик ҳақида. Т. Ёзувчи, 1996 й.
9. Аmanoав О. Давлат ва ҳуқуқ асослари курсида кўргазмали куруллардан фойдаланиш ўқув қўлланмаси. Шарқ, Т. 1997й.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”.Т. 1997й.
11. Каримов И.А. Давлатчилик – истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида Т. 1999 й.
12. Саидов А. Тожиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т1999 й.
13. Саидов А. Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Т. 1998 й.
14. Холмўминов Қ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т. 1998й.
15. Аҳмедов Даврон. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилигининг мустаҳкамланиши. Т. 1999 й.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини аниқланг.
 - a) Давлат ва ижро этувчи ҳокимиятни бошқаради.
 - b) Мамлакат ичкариси ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш олиб боради.
 - c) Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг қафилдир.

- d) Музокара олиб боради.
 - e) Барча жавоблар тўғри.
2. Сайлов тизими тўғрисида конституциянинг қайси бобида берилган?
- a) 23-боб 117- модда.
 - b) 1-боб 6- модда.
 - c) 4-боб 51- модда.
 - d) 10-боб 67- модда.
 - e) 1-4 ичида тўғриси йўқ.
3. «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи» деган модда қайси қонун ҳужжатидан келтирилган.
- a) Сайлов тўғрисидаги қонундан.
 - b) Конституциядан.
 - c) Оила кодексидан.
 - d) Фуқаролик кодексидан.
 - e) Барча жавоблар тўғри.
4. Амалдаги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг нечта ваколати белгилаб қўйилган?
- a) 20 та. b) 18 та. c) 21 та. d) 24 та. e) 28 та.

Мундарижа

1.	<i>Давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти.....</i>	5
2.	<i>Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши.....</i>	19
3.	<i>Демократия ва сайловлар.....</i>	25